

А Ж Р И М

(ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2021 йил июнь ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди тумандаги БЎСМ биносиди, сайёр очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси Ф.Ахмаджонов, химоячи З.Матмусаева, жабрланувчи Қ.Комилов ва судланувчи А.Тошпўлатовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган А.Тошпўлатовга оид 1-1514-2101/193-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Тошпўлатов Авазбек Азамжон ўғли, 1993 йил 12 декабрда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, Олтиариқ тумани, “Бозорбоши” МФЙ, Йикчи кўчаси, 11-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 25 майда олган.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, айбланувчи ва жабрланувчининг содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатуви ва тарафларнинг фикрини тинглаб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Тошпўлатов 2020 йил 19 февраль куни “Водил Кредит савдо гавхари” кредит дўконига шартнома асосида маҳсулот олиш учун келган Қ.Комиловнинг ишончига кириб, унга ўзини номига олаётган маҳсулотлар қаторига “Самсунг А20” русумли уяли телефон аппарати кўшиб олиш ва ойлик тўловини ўзи тўлаб боришини айтиб алдаб, уни номига нархи 2.650.000 сўмлик “Самсунг А20” русумли уяли телефон аппарати олиб, ойлик тўловини тўламасдан, фирибгарлик қилган.

Судланувчи А.Тошпўлатов судда, 2020 йил 19 февраль куни “Водил Кредит савдо гавхари” кредит дўконига шартнома асосида маҳсулот олиш учун келганида, таниши Қ.Комиловни кўриб қолиб, унга 2.650.000 сўмлик “Самсунг А20” русумли уяли телефон аппарати кўшиб олиши, ойлик тўловини ўзи тўлаб боришини айтганида, у рози бўлиб, унга уяли телефон аппарати олиб бергани, лекин имконияти бўлмасдан ойлик тўловини муддатида тўлай олмагани, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи А.Хошимовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб ариза тақдим қилди.

Жабрланувчи Қ.Комилов судда, 2020 йил 19 февраль куни “Водил Кредит савдо гавхари” кредит дўконига шартнома асосида маҳсулот олиш



учун борган пайтида судланувчи А.Тошпулатов унга ўзини номига олаётган маҳсулотлар қаторига нархи 2.650.000 сўмлик “Самсунг А20” русумли уяли телефон аппарати кўшиб олиши, ойлик тўловини ўзи тўлаб боришини айтганида, уни гапига ишониб ўзини номига телефон кўшиб олиб бергани, шундан сўнг А.Тошпулатов телефон учун тўланиши лозим бўлган пулни тўламай келгани, ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда судланувчи А.Тошпўлатов томонидан зарар тўлиқ қоплангани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани, А.Тошпўлатов билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, уни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ушбу кодекснинг 168-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори 3-қисмида, қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумонланувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайдан бошлаб, судланувчи эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Тошпўлатовнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда берилгани, тарафларни ярашувга розилиklarини инобатга олиб, уни жиноий жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Тошпўлатов Авазбек Азамжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилсин ва жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.



А.Тошпўлатовга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Б.Эргашев

